

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

Миллий ғуруримиз, фахру ифтихоримиз рамзи



1991 йил 18 ноябрь санаси юртимиз тарихида абадий муҳрланган кундир. Мазкур санага бағишлаб, “Бир Ватан, бир эл, бир байроқ!” шiori остида республикамиз бўйлаб маданий, маънавий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар, ёшу кексани бирлаштирувчи лойиҳалар юқори кўтаринкиликда ўтмоқда.

Нурафшон шахридаги муҳташам давлат байроғи ўрнатилган майдонда сана муносабати билан тантанали тадбир ташкил этилди.

▼ Шукух



“KELAJAK BIZ BILAN YASHIL”



Toshkent viloyatida O‘zbekiston yoshlar ittifoqi tashabbusi bilan “Kelajak biz bilan yashil” shiori ostida yoshlar hashari o‘tkazildi.

Unda yoshlar ittifoqi Markaziy Kengashi vakillari, viloyat mas’ullari, hamkor idoralar, oliy ta’lim muassasalari yetakchilari va ekofaol yoshlar qatnashishdi.

Hashar yoshlarning ijtimoiy faolligini kuchaytirish va hududlarda olib borilayotgan ekologik tashabbuslarni qo‘llab-quvvatlash maqsadida tashkil etildi.

Shuningdek, Sog‘liqni saqlash vazirligi tizimidagi viloyat boshqarmasi hamda tuman (shahar) tibbiyot birlashmalari xodimlari tomonidan viloyatda obodonlashtirish va ko‘kalamzorlashtirishga qaratilgan keng ko‘lamli hashar tadbirlari o‘tkazilmoqda.



Xususan, A-373 xalqaro ahamiyatdagi yirik avtomagistral yo‘lining Ohangaron hududida ajratilgan yer maydoniga manzarali ko‘chatlar ekildi.

Tadbir doirasida atrof-muhit tozalandi, yashil hududlar kengaytirildi.

Ayni kunlarda tuman-shaharlarda soha xodimlari ishtirokida shu kabi ekologik tadbirlar davom etmoqda.

Toshkent viloyati hokimligi
Axborot xizmati

Viloyat bo‘ylab

TOSHKENT viloyati markazidan Toshkent shahriga jamoat transporti xizmatini yanada qulay, xavfsiz va zamonaviy darajaga ko‘tarish maqsadida yangi avtobus yo‘nalishi yo‘lga qo‘yiladi. Loyiha amalga oshirilishi natijasida Nurafshon – Toshkent yo‘nalishida jamoat transporti qatnovi sezilarli darajada yaxshilanib, yo‘lovchilar uchun tez, ishonchli va zamonaviy transport xizmati joriy etiladi.

YANGIYO‘L tumanining “Sho‘ralisoy” mahallasida yer ostidagi eski metall gaz tarmoqlari pilot loyiha doirasida zamonaviy polietilen quvurlarga almashtirilmoqda. Ayni paytda tarmoqning 500 metr qismida qurilish-montaj ishlari yakuniga yetkazildi. Mazkur loyiha natijasida tarmoqqa xizmat ko‘rsatish va ta‘mirlash xarajatlari keskin kamayadi, shuningdek, elektrokimyoviy himoya stansiyalari uchun sarflanadigan elektr energiyasi xarajatlari bartaraf etiladi.

QIBRAY tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan “Yashil makon” loyihasi doirasida bo‘sh yer maydonlarida atirgul qalamchalari yetishtirilmoqda. Shuningdek, qarovsiz maydonlarda agrotexnik ishlovlar, o‘g‘itlash va sug‘orish infratuzilmasini yaxshilash choralarini ko‘rilib, yangi ko‘chatlar ekish uchun zamin yaratilmoqda.

CHIRCHIQ shahar hokimi M.Abdurahimov hamda deputatlar ishtirokida “Yoshlik” va “Nur” mahallalaridagi obodonlashtirish jarayonlari o‘rganildi. Ko‘p qavatli uylar atrofi, piyodalar yo‘laklari, ko‘chalar hamda yashil hududlarda bajarilayotgan ishlar ko‘zdan kechirildi. Muammo va ehtiyojlarni o‘rganishga alohida e‘tibor qaratildi.

“Бир Ватан, бир эл, бир байроқ!”

▼ Эстафета



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталарига

2026 йил учун ОБУНА БЎЛИНГ!

Йиллик обуна баҳоси (тўғридан-тўғри тахририят билан шартнома қилинганда):

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – 896 300 СЎМ;
Нашр кўрсаткичи – 205

«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» – 586 200 СЎМ;
Нашр кўрсаткичи – 207

Етказиб бериш хизмати ичиди.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси ҳафтада икки маротаба – чоршанба ва шанба кунлари, «Ташкентская правда» газетаси эса жума кuni чоп этилади.

Обуна тахририятда, почта филиаллари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларда расмийлаштирилади.

Мурожаат учун телефон: +998 97 432-00-35



Миллий ғуруримиз, фахру ифтихоримиз рамзи

Унда вилоят ҳокимлиги масъуллари, бошқарма ва ташкилотлар вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, ҳарбийлар, нуронийлар, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.



кепажакка бўлган ишончини ўзида мужассам этган муқаддас рамз эканини алоҳида қайд этди вилоят ҳокими ўз сўзида.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз бўйлаб анъанавий "Байроқ эстафетаси" ҳам кенг кўламда давом этмоқда. Куни кеча муқаддас байроғимиз вилоятимиз жамоатчилиги, нуронийлар, ёшлар ва

кенг аҳоли иштирокида тантанали равишда қабул қилиб олинди. Ушбу тадбирларда байроғимизга бўлган ҳурмат ва эътибор юксак руҳда, самимият ва фахр-ифтихор билан намоён бўлди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоир Давлат байроғимиз – мустақиллигимизнинг тимсоли, халқимиз ғурури, миллий ўзлигимиз ва шонли тарихимиз ифодаси эканлигини таъкидлади ҳамда Ватани, эзгу инсоний қадриятларни мадҳ этувчи шеърларидан парчалар ўқиди.

Санъаткорларнинг чиқишлари барчага байрамона кайфият бағишлади.

Тантанали тадбир қатнашчилари юксак руҳ, миллий ғурур ва Ватанга садоқат туйғуларини яна бир бор дилдан хис этдилар.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати**



лий ғурур туйғусини янада мустаҳкамлади.

Майдон узра давлатимиз мадҳияси янгради.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими Зойир Мирзаев йиғилганларни Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган кун билан самимий муборакбод этди.

Давлат байроғи – шунчаки рангли мато эмас, балки халқимизнинг азалий қадриятлари, эзгу орзу-умидлари ва тинч, фаровон

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада)



Республика Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан 18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганлигининг 34 йиллиги муносабати билан юртимиз бўйлаб “Бир Ватан, бир эл, бир байроқ!” шиори остида байроқ эстафетаси ташкил этилди.



“Бир Ватан, бир эл, бир байроқ!”



Байроқ – ҳар бир давлатнинг мавжудлиги, унинг мустақил ва суверен эканини ифода этувчи муҳим рамزلардан ҳисобланади. Шу билан бирга, байроқ давлатни халқаро майдонларда танитувчи асосий воситадир. Унда мамлакатнинг тарихи, миллий қадриятлари, ғоялари ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи ҳам ана шу жиҳатлари билан юртимизни дунёга танитувчи, барчамиз учун фахр ва ифтихор рамзидир.

16 ноябрь куни Наманган вилоятидан Тошкент вилоятига ўтган рамзий эстафета Ангрен шаҳрида вилоятимиз фаоллари, маънавият тарғиботчилари, нуронийлар, ҳарбийлар, спортчи ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида тантанавор тарзда қабул қилиб олинди. Унда юрдошларимизнинг давлат рамзларига бўлган эҳтироми ва садоқати яна бир бор ўз ифодасини топди. Байроқ Тазквондо WT



бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони Райҳона Асамбаевага топширилди.

– Давлат рамзлари ҳақида боғча ёшидан бери сабоқ беришди, – дейди Ангрен шаҳридаги 41-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Райҳона Асамбаева. – Байроғимиз – бизнинг ифтихоримиз. Аммо

хорижда эканингизда байроғимиз юз чандон ортиқ куч-қувват беради. Бугун наманганликлар қўлидан рамзий байроқни қабул қилиб оларканман, қалбимда жаҳон чемпионатида ҳис қилган туйғу уйғонди. Бу билан фахрландим.

Шундан сўнг байроқ вилоятимиз туман ва шаҳарлари кўчаларидан тантанавор тарзда олиб утилди.

– “Байроқ эстафетаси” вилоятимизда 3-йўналишда ўтказилди, – дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими тарғибот ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича бош мутахассиси Азизбек Баймаков. – 1-йўналишда Ангрен шаҳри, Охангарон, Паркент ва Юқори Чирчиқ туманлари, 2-йўналишда Бекобод ва Нурафшон шаҳарлари, Бекобод, Пискент, Ўрта Чирчиқ туманлари, 3-йўналишда Чиноз ва Зангиота туманларининг катта майдонлари ҳамда аҳоли гавжум жойларда тантанали тадбирлар ташкил этилиб, сўнгра Тошкент шаҳрига етказилди.

Эслатиб ўтамиз, вилоятимизда энг баланд байроқлар қуйидаги ҳудудларда ўрнатилган: Бостонлиқ туманида – 65 метр, Нурафшон шаҳрида – 61 метр, Оққўрғон туманида – 60 метр, Тошкент туманида – 50 метр, Бекобод тумани, Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларида – 45 метр, Олмалик шаҳри, Юқори Чирчиқ ва Паркент туманларида 42 метр баландликда ҳилпираб турибди.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

▼ Кибермаданият ойлиги



Нурафшон шаҳридаги Cyber университетда ёшлар ва талабалар учун ташкил этилган CYBERUNI PARK CUP – 2025 технологик фестивали юқори савияда ўтказилди.

Келажак инноваторлари саҳнада



Тадбирда 12-30 ёш оралиғидаги юзлаб ёш технология ихлосмандлари иштирок этиб, билим ва маҳоратларини намойиш қилдилар.

Фестиваль давомида киберхавфсизлик, робототехника ва авиация йўналишларида бир қатор қизиқарли мусобақалар ташкил этилди. Ғолиблар пул мукофотлари ва махсус сертификатлар билан рағбатлантирилди.

Тадбирнинг бош мақсади – ёшларнинг илмий-техник ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш, уларда амалий кўникмаларни шакллантириш ва халқаро мусобақаларга тайёргарлик даражасини оширишдир.

“Сунъий нафас” сўраётган Ер...

Куз фасли келиши билан юртимиз кўчалари тилларанг япроқлар билан қопланди. Хазонли йўлақлардан бир-бир босиб юриш инсонга ўзгача кайфият бағишлаши рост. Бироқ, афсуски, айрим фуқаролар мана шу хазонларни йиғиб, ёқиб юборишади. Бу эса табиатга катта зарар етказди.

Тоza муҳит – миллатнинг соғлом келажаги кафолатидир. Ватани севиш унинг табиатини авайлашдан, кўчаларини озода тутишдан, суви, ҳавоси ва тупроғини асрашдан бошланади. Шу боис “Уйимизни – Ватанимизни покиза тутайлик” деган даъватни фақат шиор сифатида эмас, балки ҳар биримиз учун кундалик ҳаёт қоидаси сифатида қабул қилишимиз лозим.

Ватанимиз нафақат замонавий бинолар ва йўллар билан, балки поклик ва софлик билан гўзал бўлади. Сир эмаски, сўнгги йилларда дунёда экология муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Чанг ҳаво, ёгингарчиликнинг камлиги, чиқиндиларнинг кўпайиши, елим халталар ишлатилиши – буларнинг барчаси табиатга зарар етказмоқда. Афсуски, баъзан биз хазон ёқиб, атрофни тутун билан қоплаш орқали бу муаммони янада кучайтираемиз.

Болалигимда бобом доимо шундай дердилар: “Болам, уйингни тоза тутсанг, қалбинг ҳам тоза бўлади...”

Бу гап аввал оддий туюларди, аммо вақт ўтиб, унинг маъносини англадим.

▼ Одаимийлик шеvasи

Поклик – инсон юзидаги табассум, юрагидаги софлик каби қадрили фазилатдир. Биз учун уйимиз – кичик Ватан, Ватанимиз эса катта уйимиз. Агар кичик уйимиз тоза бўлса, катта Ватан ҳам гўзал бўлади.

Ўзбекистон табиий гўзалликлар юрти. Бироқ айрим ҳудудларда чиқиндиларнинг кўпайиши, сув ва ҳавонинг ифлосланиши табиатнинг булғанишига сабаб бўлмоқда. Бу нафақат экологияга, балки инсон саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Турли вирус ва касалликлар айнан шундай чиқиндибозлик оқибатида юзага келмоқда.

Шу ҳақда ёзган бир шеъримда қуйидаги мисралар бор: *Сунъий нафас сўраяпти ер, Ҳолига вой бўлганлигидан. Борган сари босиб борар тер, Паймонаси тўлганлигидан...*

Атроф-муҳитни тоза сақлаш – бу фақат давлат ёки маҳаллий ҳокимлиқнинг вазифаси эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг виждон бур-

чидир. Кўчага чиқинди ташла-маслик, сувни исроф қилмаслик, дарахтни синдиришмаслик, ҳайвонларга озор бермаслик – булар кичик масаладек туюлиши мумкин, аммо айнан шундай “кичик ишлар” катта ўзгаришларга замин яратади.

Ёшлар бу борада намуна бўлиши керак. Мактаб, универ-



ситет ва маҳаллаларда “Тоza муҳит ҳафталиги”, “Бир дарахт – бир умр” каби акцияларнинг ўтказилиши ёшларда экологик маданиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Саҳиҳ ҳадисларда “Поклик – имоннинг ярмидир”, дейилган. Демак, инсоннинг ички софлиги унинг ташқи муҳитининг тозаллигида ҳам намоён бўлади. Кўчага ахлат ташлаб кетган одам

нафақат табиатга, балки ўз қадр-қиммати ҳам безътиборлик қилади.

Бизда ҳар бир хонадон олдига гул экиш, ҳовлини обод тутиш анъанаси бор. Бу нафақат гўзаллик, балки маънавият белгисидир. Пок муҳит – соғлом жамият пойдевори бўла олади.

Мирзиёев ташаббуси билан 2030 йилга қадар 200 миллиондан ортиқ дарахт экиш режалаштирилган. Агар ҳар бир фуқаро бу хайрли ишга ҳисса қўшса, Ватанимиз нафақат гўзал, балки соғлом экотизимга эга мамлакатга айланади.

Шу билан бирга, дунёда кўп-лаб давлатлар “яшил энергия”, “чиқиндисиз ҳаёт” ғояларини ҳаётга татбиқ этмоқда. Биз ҳам ушбу илғор тажрибаларни маҳалламиз ва шаҳарларимиз миқёсидан янада кенгроқ жорий этишимиз лозим.

Табиати соф юрт – соғлом келажак гаровидир. Агар биз табиатни авайласак, келажак авлод ҳам соф ҳаводан нафас олади, тоза сув ичади, гўзал боғларда яшайди. Аммо бепарволик қилиб, табиатни зарарласак, уларга фақат чанг ҳаво ва қурғоқ тупроқ қолади.

Ҳар бир дарахт – фарзандларимизга қоладиган меросдир. Шунинг учун табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш – энг улғў инсонпарварликдир.

Бундан 50 ёки 100 йил кейин дунёга келадиган авлодга фақат уй-жой ёки мулк эмас, балки тоза муҳит қолдириш – энг катта совға бўлади.

Пок уй – инсон юраги софлигининг тимсоли бўлгани каби, пок Ватан – миллатнинг фахри ва ифтихоридир!

Моҳирбек КўЧҚОРОВ,
журналист

БАРЧАСИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТДА

▼ Куз-қиш мавсуми



Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва тегишли идоралар ҳамкорлигида Тошкент туманида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати ўрганилди. Жараён давомида аҳоли билан учрашувлар ўтказилиб, газдан тўғри фойдаланиш тартиби ва хавфсизлик қоидалари бўйича амалий тушунчалар берилди.

Туман прокуратураси вакиллари, соҳага масъул мутасаддилар ва техник муттаҳассислар иштирок этган ўрганишларда табиий газ инфратузилмасидаги йўқотишлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, мавжуд носозликларни бартараф этиш механизмлари танқидий кўриб чиқилди.

Тошкент вилоятида аҳоли муаммолари ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳининг йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда кенг кўламли назорат ва ўрганиш ишлари давом этмоқда. Мазкур жараён вилоят прокуратураси томонидан алоҳида назоратга олиниб, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа, энергетика объектилари ҳамда кўп қаватли уй-жой фондиди куз-қиш мавсумига пухта тайёрлаш бўйича изчил чоралар амалга оширилмоқда.



Бундан ташқари, газ сарфини тежайдиган ускуналар имкониятларини аҳолига кенг тушунтириш, икки босқичли тизимга ўтиш бўйича тавсиялар берилди.

Энергия таъминоти бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам куз-қиш мавсумига тайёргарликнинг муҳим йўналишларидан бири саналади.

Бугунга қадар "Худудий электр тармоқлари" АЖ Тошкент ҳудудий филиали томонидан йиллик режага мувофиқ 2 минг 616,1 км. узунликдаги 0,4–110 кВ. кучланишли электр узатиш тармоқлари ва 777 та транс-

форматор пунктлари мукамал таъмирланди. Шунингдек, 83 та трансформатор янгисига алмаштирилди. Режа асосида 6 минг 930 км. электр узатиш тармоқлари ва 2 минг 126 та трансформатор пунктларида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ҳудудларда авария ҳолатларининг олдини олиш мақсадида махсус бригадалар шакллантирилиб, улар ту-ну-кун фаолият юритмоқда.

Мухтасар айтганда, куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича изчил назорат ва тизимли ишлар ҳудудда барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилмоқда. Мазкур чора-тадбирлар аҳолининг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечириши, энергия ресурсларидан барқарор фойдаланишга шaroит яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Меҳридин ИБРАГИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири



IRIM EMAS, DAVO KERAK

Tepki bu – havo tomchi yo'li bilan tarqaluvchi yuqumli kasallik bo'lib, butun oila a'zolariga juda tezlikda yuqadi.

▼ Salomatlik

Eng xavfli – ko'pchilik uni kech payqab, davoni o'zicha boshlaydi. Bunday holatda esa kasallik nafaqat qaytalanadi, balki asoratlari ham yuzaga keladi.

Shifokor immunolog – Shahlo Rahimovanning ta'kidlashicha, epidemik parotit (tepki) inson organizmiga jid-

diy zarar yetkazuvchi kasalliklardan biri hisoblanadi.

Bu kasallik, ayniqsa, reproduktiv salomatlik uchun xavfli bo'lib, o'g'il bolalar va erkaklarda tuxum bezlarining yallig'lanishi, qizlar va ayollarda esa tuxumdon shikastlanishi kuzatiladi. Natijada bepustlikka



olib keluvchi holatlar vujudga kelishi ehtimoli yuqori.

"Ba'zilar quloqosti bezlari shishganda, irim qilib, egiz farzandli ayollarga "teptirish kerak" deb o'ylashadi. Bu – mutlaqo noto'g'ri fikr. Bunday vaziyatda faqat malakali shifokorga murojaat qilish lozim" deydi Sh.Rahimova.

O'z vaqtida qo'yilgan tashxis va to'g'ri davolash tepki kasalligini to'liq barta'raf etilishi, asoratlarning oldini olish hamda oila a'zolarini himoya qilishning eng muhim garovidir.

O'ZA

“Ўзинг учун ғолиб бўлиш – кичик қувонч, ВАТАН учун ғолиб бўлиш — ҳақиқий шараф...”

Спорт – инсон ҳаётида муҳим саналган сабр, матонат, урода каби фазилатларни шакллантирувчи асосий воситалардан бири. Аммо у фақат спортчининг ўзига манфаат келтириш билан чекланмасдан, бошқаларнинг ҳам муваффақиятларига туртки берса – нур устига нур.

▼ Бизнинг суҳбат

– Шотокан каратэ йўлидан кетишингиз кимнинг танлови эди? Болаликдаги устозлар, натижалар ва чемпионликка эришгандagi кечинмаларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

– Аслида, бу йўлни танлашда отамнинг ҳиссаси катта. Чунки мен болалигимда ҳар хил спорт турлари – шахмат, сузиш, қиличбозлик, кураш билан шуғулланиб кўрганман. 12 ёшимда отам мендаги бекарорлиқни кўриб, бундай йўл билан бирор натижага эришиб бўлмаслигини, одам битта йўналишни танлаб, шу йўлдан борсагина кўпроқ нарсага эришиши мумкинлигини тушунтирдилар. Сўнг бирга каратэ спорт тўрагага бордик. Шу-шу бошқа спорт турларини қўйиб, бор кучим ҳамда вақтимни мазкур спорт турига сарфлай бошладим.

Биринчи мураббийим Рустам ака Ризаев бўлган. Унинг қўлида 2005 йилдан шуғулланишни бошладим, кўлаб сабоқлар олдим. Рустам ака мендаги спортга бўлган қизиқишни янада оширди. Натижада сабр, матонат каби фазилатларим янада мустаҳкамланди.

Бугунга қадар 4 карра Ўзбекистон чемпиони, 2 карра Ўзбекистон кубоги ғолиби, халқаро турнирлар ғолиби, Осиё чемпионати соврин-

дори бўлдим. 2017 йилдан мураббийлик фаолиятини ҳам йўлга қўйдим.

2023 йилда ЎзДЖТСУни тамомлаб, олий тоифали мураббий, 1-дан қора белбоғ соҳиби бўлдим.

– Каратэ инсон тарбиясида қайси жиҳатларни ривожлантиради?

– Ушбу спорт тури инсонни нафақат жисмонан, балки руҳан ҳам тарбиялайди. У билан шуғулланган одамда 5 асосий жисмоний сифат – чидамлилиқ, эгилувчанлик, қаққонлик, тезкорлик ва куч ривожланади. Шу билан бирга, масъулият, сабр, ҳурмат, меҳнаткашлиқ ва қатъият каби инсоний фазилатлар ҳам шаклланади.

Сиз спорт мусобақаларида бор кучи билан курашган ва якунда ғолиб бўлган спортчиларни учратган ёки телевидение орқали кўрган бўлсангиз керак. Уларнинг ҳаммаси ҳам болаликдан шу даражада матонатли бўлмаган. Жуда кўпчилигида бундай хусусият айнан спорт орқали кейинчалик шаклланган. Каратэда ҳам айнан шундай.

– Спортчи ва мураббий учун соғлом турмуш тарзи нима?

– Спортчи ҳаёти мукамал тартибга асосланади. Уйку режими, тўғри овқатланиш, зарарли



одатлардан воз кечиш ва мунтазам машғулотлар. У санаб ўтилган ҳамма нарсанинг меъёрини қатъий белгилайди. Бу инсонни соғлом қилиб, фикрлашни ўстиради. Чунки соғлом турмуш тарзи, ҳар қандай спортчининг муваффақиятлари асоси. Бу спортчига шунчаки соғлом бўлиш учун эмас, чемпион бўлиши учун ҳам керак!

– Спорт ҳаётингизда нималарни ўзгартирди?

– Ҳаётимни тубдан ўзгартирди, десам муболага бўлмайди. Болалигимда ҳарбий бўлишни орзу қилардим, хатто мuddатли ҳарбий хизмати ҳам ўтаганман. Бошқа қизиққан касбларим бўлган. Аммо каратэга бўлган муҳаббатим мени шу йўлдан олиб кетди ва мураб-

Шундайлардан бири – шотокан каратэ йўналишида кўплаб ютуқларга эришган, бугун эса мураббий сифатида ўз мактабини шакллантириб бораётган қибрайлик спортчи Достон Ҳакимовдир.

У билан спорт ва устозлик йўли ҳақида суҳбатлашдик.

– Энг асосий мақсадингиз...

– Дунёда Ўзбекистон деганда кўпроқ кураш ва бокс спорт турлари тилга олинади. Мақсадим – шулар қаторига каратэни ҳам қўшиш, уни юртимиз номи билан боғлаш. Ўзим эриша олмаган чўққиларни шогирдларим билан забт этиш. Юртимизнинг раванкига ҳисса қўшадиган, комил инсонлар бўлиб улғаядиган ёшларни тарбиялаш.

Шогирдларим билан республика миқёсида барча ютуқларни қўлга киритдик. Энди навбат – халқаро майдонларга. Олдинда жаҳон ареналари кутиб турибди, биз эса бунга ҳозирдан пухта тайёргарлик кўряпмиз.

– Янги авлод спортчиларидан нима кутасиз?

– Энг аввало – юксак ватанпарварлик. Сабаби, ўзинг учун, ё оила аъзоларинг учун ғолиб бўлиш, бу – кичик қувонч. Лекин Ватан учун ғолиб бўлиш, инсонга ҳақиқий шараф бағишлайди.

Ёшлар Ватан шаънини муносиб ҳимоя қилишдан, юрт байроғини баланд кўтаришдан асло тўхтамасинлар. Бу менинг мураббий сифатидаги энг катта орзуим.

Суҳбатни
Маҳмуда ИСАБОВЕВА
ёзиб олди

Ўзбекистонда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини умуммиллий рўйхатга олиш ўтказилади

2026 йил 15 январдан 28 февралгача Ўзбекистонда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини умуммиллий рўйхатга олиш ўтказилади. Бу жараён орқали мамлакатнинг ҳақиқий демографик ва иқтисодий ҳолати аниқланади.

Рўйхатга олишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

- аҳоли таркиби ва сони ҳақида тўлиқ маълумот тўплаш;
- меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш;
- шаҳар ва қишлоқларни ривожлантиришда ишончли маълумотлар базасини яратиш;
- давлат дастурлари ва илохотларни илмий асосда режалаштириш.

Жараён икки босқичда амалга оширилади:

- дастлабки 17 кунда аҳоли "census.stat.uz" сайти орқали онлайн рўйхатдан ўтиши мумкин;
- кейинги бир ой давомида эса маҳалла еттичилиги уйма-уй юриб маълумот тўплайди.

Рўйхатга олиш натижалари давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга, аҳоли учун қўлай шароитлар яратишга ва ижтимоий сиёсатни адолатли шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини бирга рўйхатга олиш молиявий тежамкорликка ҳамда замонавий статистика тизимини яратишга замин яратаяди.

Тошкент вилояти
Статистика бошқармаси



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Unmat MIRZAKULOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abdusodir ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV

Nashr uchun mas'ul:
Suhrobjon SADIROV

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchi:
Suhrobjon SADIROV

Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uimail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20:00.

Bosishga topshirildi – 20:30.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-1135.

2 457 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi
ofisimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko'chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tahir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

▼ Кадриятларимиз



Оққўрғоннинг “Пари момолар”и

Хар бир халқнинг маънавий бойлиги, маданияти ва тарихий хотираси унинг фольклориди, қадимий қўшиқ ва рақсларида намоён бўлади. Шу маънода, юртимизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган фольклор жамоалари халқ меросини сақлаб, уни давом эттиришга катта ҳисса қўшишмоқда.

Оққўрғон туманида ижод қилиб келаётган “Пари момолар” ҳаваскорлик фольклор-этнография жамоаси нуроний онахонлардан иборат. Улар юракдан қўйлаган лапар, ўлан ва ёр-ёрлари орқали халқ оғзаки ижодининг гўзал намуналарини қайта жонлантирмоқдалар.

Жамоа аъзоларининг мақсади – йўқолиб бораётган қадимий анъаналаримиз, миллийлигимизни тараннум этувчи қўй ва қўшиқларни ёшларга етказишдир. Улар республикамизда ўтказилаётган турли тадбирларда иштирок этиб, давраларга файз киритишмоқда.

Эътиборлиси, онахонлар турли соҳаларда меҳнат қилиб, нафақага чиқишган ҳам фаол ҳаёт тарзини давом эттирмоқдалар.

– Кўп йиллар мактаб директори лавозимда ишладим, – дейди жамоа раҳбари Марҳамат Ўталова. – Нафақага чиққач маҳалладаги “Оқила

аёллар” ҳаракатига бошчилиқ қилдим. Иш жараёнларида турли маданий тадбирлар уюштириб, қобилиятли онахонларни жалб қилардик. Шунда гуруҳ тузиш фикри туғилди. “Қўрғонча” маҳалламиздаги аёлларнинг қизиқиши ортиб, сафимиз кенгая бошлади. Жамоамиз шу таразда шаклланди. Яқинда бир йиллик ҳисобот концертимизни ўтказдик.

Онахонлар билан суҳбатимиз қизиди. Улардан бири 75 ёшли Инобат ая шеърийат шайдоси. Жамоанинг муаллифлик қўшиқлари аянинг қаламига мансуб. Айтишларича, Инобат ая 15 ёшидан саҳнага чиқиб қўйлашни орзу қилган экан. Жамоага қўшилиб орзулари ушалибди.

– Жорий йилнинг апрель ойида Бўстонлик туманидаги “Чорвоқ дарвозаси” очилишида “Тўрғай” жамоаси билан бирга қатнашдик, – дейди жамоа аъзоси Фотиما ая Ўсарова. – Биз

сахналаштирган келин салом маросими кўпчиликлари маъқул бўлди. Бешик тебратиш сахнаси эса меҳмонларга она алласи жаранлаган гўзал лаҳзаларни эслатди. Ўсма қўйиш, соч ўриш каби қадимий урф-одатларимиз халқимизга хос қадриятларни ёдга солди.

Бугунги кунда жамоа республика миқёсидаги фестивал ва танловларда ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Жамоа фаолияти билан танишиб шуни англадикки, инсон қайси ёшда бўлишидан қатъи назар, у ижод, меҳр ва меҳнат орқали жамиятга фойда келтириши, маънавий ҳаётда фаол иштирок этиши мумкин. “Пари момолар” ана шундай фидойи онахонлар жамоаси бўлиб, уларнинг фаолияти орқали халқ оғзаки ижоди, миллий мусиқа ва рақс санъати ёшлар қалбига қайта жонланмоқда.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

▼ Мулоҳаза

Баъзан шов-шувга сабаб бўлган классик асарларнинг бир-икки бетини ўқиб, улардан кўнглинг сориб кетади: наҳотки, бутун дунё тан олган буюк ёзувчилар шунчалик саёз ёзган бўлса, деб. Аммо вазиятга чуқурроқ қарасак, муаммо муаллифда эмас, таржимада экани аён бўлади. Асарда рух йўқ, тил камбағал, услуб зерикарли. Бундай таржималарда гоё бор, лекин ўқувчига ҳеч қандай завқ бермайди. Демак, буюк асарларнинг ҳаммаси ҳам қўлимизга етарли даражадаги таржимада келмаяпти.

ТАРЖИМА ҲАМ санъат

Леонид Гайдайнинг “Ы” операцияси ёки Шуриқнинг янги саргузаштлари” туркумидаги фильмларини неча марта кўрган бўлмайлик, ҳар сафар яна томоша қилгимиз келаверади. Сабаби, диалоглар аслиятдагидан ҳам юқори даражада, юксак маҳорат билан таржима қилинган. Ҳатто топиб ишлатилган бир сўз, бир ифода ҳам фильмнинг умумий таъсирини ошириб юборган. Достоевскийнинг “Телба” асарини Иброҳим Ғафуров таржимасида ўқиганман. Балки Достоевскийнинг ўзи ҳам бу таржимани ўқиса, ҳайратда қоларди. Афсуски, айрим наشريётларда масаланинг ана шу томонига эътибор қаратилмапти. Машҳур асарни чоп этсак бўлди, сотилиб кетади, деб ўйлашади. Ҳа, балки шундай ҳам бўлар. Сотилипти ҳам. Улар учун китобнинг номи ва ёзувчининг машҳурлиги кифоя. Таржимон ким? Ишнинг сифати қандай? Услуб сақланганми? Муаллиф нафаси сезиладими? Булар иккинчи даражали масалага айланган.

Шу сабабдан, китобдан кутганини тополмаган ўқувчи кўпинча муаллифдан кўнгли совийди, балки адабиётдан ҳам бутунлай узоқлашар. Саёз таржима ўқувчи учун ҳам, адабиёт тараққиёти учун ҳам хатарли амал бўлса керак. Эркин Воҳидов таржима асарларни “иситилган ош”га қийслаган эди. Аммо ҳақиқий таржима – бу қайта ижод. Фақат сўзларни эмас, балки маънони, руҳини, муҳитни, ҳиссий ёки ҳам ўзга тилга кўчира олиш санъатидир. Таржимон нафақат тилларни, балки адабиётни, бадий образни, икки маданият ўртасидаги нозик фарқларни ҳам ҳис этиши керак. Тил

ўртасидагина эмас, дунёқараш ўртасида ҳам таржима бўлади шунда. Ушбу омиллар ҳисобга олинмаса, таржима саёз ва яланғоч бўлиб қолади.

Китобхон сифатида ҳаққимиз бор: биз чинакам таржимани ўқишни хоҳлаймиз. Ҳақиқий ёзувчини, унинг юрагидан нима бўлганини тушунишни истаймиз. Бу истагимиз фақат профессионал таржимон ва масъулиятли наشريёт орқали амалга ошади. Ноширлар машҳур асарни чоп этиш билан эмас, унинг руҳини етказиш билан ҳам шуғулланишлари керак. Адабиётга, таржимонга, ўқувчига, энг муҳими, асар муаллифига ҳурмат шунда намоён бўлади.



Таржима – шунчаки тил билиш эмас. Таржима – ижод билан бирга улкан масъулият ҳамдир. Демокримани, наشريётлар ўзга тилдан ўғирилган ҳар қандай китобни эмас, балки савияли, бадий юксак таржималарни чоп этишга интилсин. Бу борада моҳир таржимонларга бериладиган қалам ҳақи масаласида ҳам зикналик қилмаслик керак. Бу адабиётнинг, китобхоннинг, маънавиятнинг манфаатига хизмат қилади.

Неъмат ДУШАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

▼ Чоршанба табассуми

"Глобал" тоза

Бир йилгит уйланмоқчи бўлди ва маслаҳат сўраш учун тоғасининг хузурига борди.

– Тоға, сиз анча олдин уйлангансиз. Аёлингиз билан орангизда ҳеч қачон араз-дараз гап ўтмаган экан экан. Бунинг сири нимада?

– Майда масалаларда у фикр билдиришига, катта масалаларда мен фикр билдиришимга биринчи кундан келишиб олганмиз.

– Сизни унча тушунмадим, тоға.

– Эшит! Масалан, хонадон сотиб олиш, хонадон жиҳозларини жойлаштириш, хоналарни қандай дизайнда безатиш, томорқага қандай гуллар экиш, нима тановул қиламиз, нима ичамиз, болаларга тарбия бериш, мошини нималарга сарфлаш, дам олиш кунини қаерда ўтказамиз, кимнигина меҳмонга борамиз, ким билан ижтимоий муносабат ўрнатамиз, ким билан хусуматлашамиз, телевизорда нима томоша қиламиз, нима эшитамиз ва ҳо-



казо масалаларда фақат аёлим фикр билдиради.

– Мени кечиринг, тоға, унда сиз қайси масалаларда фикр билдирасиз?

– Мен фақат улкан, глобал масалаларда фикр билдираман. Масалан, Америка-Хитой, Россия-Украина, Исроил-Фаластин муносабатлари, Европа шарқида давом этаётган ҳарбий амалиёт, нефть нархининг ошиши, бутун дунёдаги иқлим ўзгариши ва ҳоказолар.

– Сизни тушундим, тоға...

Аброрхўжа НИЗОМОВ

Тўғри сўз учун – озодлик

Кунларнинг бирида Пруссия қироли Фридрих II Берлин қамоқхонасига назорат текшируви билан келади... У маҳбуслардан қайси айби учун қамоққа тушганлигини бирма-бир сўраб чиқади. Маҳбусларнинг барчаси айбсиз эканлигини,

қамоқда адолатсиз ҳукм ва тасодиф туфайли ўтирганлигини айтишади.

Фақат бир маҳбусгина ўғирлик қилгани учун қамалганини тан олади. Қиролга юмор туйғуси бегона эмасди, у ўғирни қамоқдан чиқариб юборишни буюрар экан

шундай дейди: “Бу ерда тўпланган шунча виждонли ва яхши одамларга ёмон таъсир кўрсатмаслиги учун мана бу ўғри жиноятчини тезда қамоқдан ҳайдаб юборинглар”.

Жалолiddин САФОЕВ
таржимаси

▼ Табиат ва биз





Ўзбекистоннинг шимолий шарқида, ғарбий Тянь-Шань тоғ тизмалари бағрида жойлашган Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғи мамлакатимиздаги энг бой биологик ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бу ердаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси нафақат табиий гўзаллиги, балки илмий аҳамияти билан ҳам муҳимдир.

Кузги санок нимага керак?

Ҳар йили куз фаслида бу ерда ҳайвонлар сонини аниқлаш мақсадида кузги санок ўтказилади. Жорий йилги кузги санокда миллий боғ мутахассислари ва табиатни қўриқлаш инспекторлари қатнашишди.

– Кузги санок табиий экотизимнинг соғлом ёки заиф ҳолатини баҳолашнинг асосий жиҳати бўлиб, унда ҳайвон турларининг сони, уларнинг яшаш ҳудудлари ва ҳаракат йўналишлари аниқланади, – дейди миллий табиат боғи мутахассиси Хушридбек Ҳайитов. – Яна бир жиҳати, биз санок натижаларига кўра, ҳайвонлар-

ҳафта давом этди. Ҳисоб жараёнида бир неча усулларни қўлладик: кузатув дурбини, бинокль, фотоқопқон. Шунингдек, GPS қўрилмалар орқали ҳайвонларнинг ҳаракат йўналиши аниқланади. Санок натижаларига кўра, асосий ҳудудларда 120 та тоғ эчкиси, Қорабғ баландликларида 3-4 та қор қоплони, Бештор ва Ойгайин водийларида 18-22 та кўнғир айиқ, Чотқол атрофида айиқ, бўри, тулки, ёввойи чўчка, кўчманчи қушлар борлиги аниқланди. Бу маъ-



нинг кўпайиш динамикаси, озуқа базаси ва инсон таъсирини баҳолаймиз. Бу маълумотлар келгусида табиатни муҳофаза қилиш режаларини белгилашда жуда зарур. Бу йилги санок Қорабғ, Чотқол, Бештор, Ойгайин водийлари ва уларга туташ тоғ этакларида 3

лумотлар ўтган йилга нисбатан тоғ эчкилари ва ёввойи чўчкалар кўпайганини, айиқлар фаолияти

эса барқарорлигини кўрсатади.

Хулосаларга кўра, экологик барқарорлик сақлангани ҳамда яшаш муҳитидаги ресурслар етарли бўлгани сабабли ҳайвонлар сониди кескин ўзгариш кузатилмаган. Бу инсон таъсири қамайгани, боғ ҳудудида ноқонуний овчилик ҳолатларига чек қўйилганидан далолат беради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, биологик хилма-хилликнинг кенгайиши қор қоплони ва кўнғир айиқлар сонининг ўсиши экотизимдаги озуқа занжири соғломлигини кўрсатади.

Режага кўра, келгусида Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғида табобат ва навобот оламини кузатиш учун фотоқопқонлар сони оширилади. Шунингдек, ҳайвонлар ҳаракатини GPS белги орқали узлуксиз кузатиш йўлга қўйилади.

Санок бу фақат илмий тадқиқот эмас, балки табиат ва инсон ўртасидаги уйғунлиқни кўрсатади. Зеро, келажак авлод биз нима қолдирсак шуни топади. Тоға ҳаво, нодир ҳайвонлар, зилол сув, ўсимликлар – бизнинг қўлимизда. Буларни муҳофаза қилиш эса барчамизнинг бурчимиздир.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири